



О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI BUXORO VILOYATI HOKIMINING QARORI

200118. Buxoro viloyati, Buxoro shahri, I.Mo‘minov ko‘chasi 1-uy. Tel.:(365) 224-34-85, Faks: 223-05-95 e-mail:
info@buxoro.uz, buxoro@exat.uz

2021 - yil 17 - oktabr

114-2-0-Q/21

Buxoro viloyati hokimligi

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 октябрдаги 629-сонли “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказишнинг ташкилий чоратadbirlari тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 октябрдаги 629-сонли “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказишнинг ташкилий чоратadbirlari тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида

ҚАРОП ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 8 октябрдаги 629-сонли “Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказишнинг ташкилий чоратadbirlari тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарори билан:

Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага;

Бухоро шаҳрида 2022 йилда Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш бўйича “йўл харитаси” (кейинги ўринларда - “йўл харитаси”) 2-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. Бухоро шаҳрида 2022 йилда Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Вилоят ишчи гуруҳи (Н.Холмуродов)га:

фестиваль харажатлари сметасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш;

фестиваль доирасида хорижий меҳмонларнинг банк хизматларидан фойдаланиши учун кўчма валюта шохобчалари, банкмат жиҳозларини тadbир ўтиш жойлари бўйлаб жойлаштирилишини ташкил этиш;

фестиваль давомида Бухоро шаҳрида мавжуд умумий овқатланиш ташкилотларининг иштирокчиларни қабул қилиш имкониятларини ўрганиб чиқиб, уларга санитария-гигиена талаблари асосида хизмат кўрсатилишини таъминлаш;

фестиваль доирасида ташкил этиладиган илмий-амалий конференция, кўрик-танлов, кўргазма ва намойишларга юқори даражада тайёргарлик кўриш;

Бухоро шаҳрида фаолият кўрсатаётган машҳур зардўз ва заргарлар устахоналарига экскурсиялар ташкил этиш;

маҳаллий (республиканинг 14 та ҳудуди бўйича ҳар бирига алоҳида камида 20 нафар ҳунармандлар учун) ҳамда чет эллик зардўз ва заргарлар учун (чет эл давлатлари учун камида 6 тадан 10 тагача) алоҳида павильонлар ташкил этиш, кўргазмали чиқишлар саҳнасини тайёрлаш, вилоятнинг ўзига хос миллий ҳунармандчилиги ва маданий ҳаётини акс эттирувчи ҳунармандлар шаҳарчаси макетини тайёрлаш;

вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида фестиваль рекламасини (биллборд, LED панеллар ва бошқа ташқи тарғибот воситалари) ташкил этиш;

хорижлик фестиваль иштирокчилари ҳамда меҳмонларни вилоятнинг тарихий обидалари, диққатга сазовор жойлари билан яқиндан таништириш учун экскурсия маршрутларини ишлаб чиқиш;

фестиваль иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, тез тиббий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш ва фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш чораларини кўриш, бунда кўргазма учун олиб келинадиган қимматбаҳо металл ва қимматбаҳо тошлардан ясалган заргарлик буюмлари учун Миллий гвардия кўриқлаш хизматини ташкил этиш;

фестиваль ўтказиладиган кунларда хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар билан зардўзлик ва заргарлик саноатини ривожлантириш юзасидан учрашувлар ўтказилишини ташкил этиш ва ўзаро ҳамкорлик келишувларига эришилишини таъминлаш;

миллий либос ва миллий тақинчоқлар билан кўргазмали чиқишлар, театрлаштирилган томошалар, аския ва қизиқчилар, фольклор ва дорбозлик жамоаларининг томоша дастурларини кенг тарғиб қилиш;

“Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ҳамда “Йўл харитаси”да белгиланган тегишли вазифаларнинг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш топширилсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари - Р.Асадов, Б.Шаҳриёров, М.Ҳамроев, А.Назаров, Н.Ҳамдамовларга Вазирлар Маҳкамасининг мазкур қарорида соҳалар йўналиши бўйича белгиланган вазифаларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш топширилсин.

6. “Ҳунарманд” уюшмасининг вилоят бошқармаси (Х.Яхёев), Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси (Ғ.Ниёзов)га шаҳарлар ва туманлар

хокимликлари билан биргаликда фестивал доирасида ўтказиладиган зардўзлик ва заргарлик маҳсулотлари кўргазмаларида ҳунармандларнинг ноёб ва йўқолиб бориш арафасида турган, бугунги кунда қайта тикланаётган, ҳозирги замон талаблари асосида янгича андозада уйғунлаштирилган, шунингдек, ўзбек бренди сифатида халқаро миқёсда кенг тарғиб этилиши мумкин бўлган намуналар билан иштирок этишини таъминлаш чораларини кўриш топширилсин.

7. Мазкур қарор ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.

Бухоро вилояти ҳокими



Б.К.Зарипов

Бухоро вилоят ҳокимининг
2021 йил 17 октябрдаги
114-2-0-Q/21-сон қарорига
1-илова

Бухоро шаҳрида 2022 йилда Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивалига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби

Н.Холмуродов	- вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, <i>ишчи гуруҳи раҳбари</i>
Р.Асадов	- вилоят ҳокимининг ўринбосари, <i>ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари</i>
Б.Шаҳриёров	- вилоят ҳокимининг ўринбосари, <i>ишчи гуруҳи раҳбари ўринбосари</i>
Х.Яхёев	- “Хунарманд” уюшмасининг вилоят бошқармаси бошлиғи, <i>ишчи гуруҳи котиби</i>
Аъзолари:	
М.Ҳамроев	- вилоят ҳокимининг ўринбосари
А.Назаров	- вилоят ҳокимининг ўринбосари
Н.Ҳамдамов	- вилоят ҳокимининг ўринбосари
Ҳ.Ғойиров	- вилоят ҳокимининг маҳаллий саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ёрдамчиси
Б.Норбоев	- вилоят ҳокимлиги аппарати гуруҳ раҳбари
О.Жураев	- вилоят ҳокимлиги аппарати ахборот хизмати раҳбари
Ғ.Ниёзов	- Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи в.б.
С.Саидов	- вилоят инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари
Ш.Раҳмонов	- вилоят маданият бошқармаси бошлиғи
С.Бобокалонов	- вилоят туризм ва спортни ривожлантириш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари
Ш.Алиев	- вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи (<i>келишув асосида</i>)
Ш.Маннонов	- вилоят қурилиш бош бошқармаси бошлиғи
А.Жаводов	- вилоят қишлоқ хўжалиғи бошқармаси бошлиғи
А.Бахронов	- вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи
Б.Адилов	- вилоят ҳокимлиги молия бош бошқармаси бошлиғи
У.Умаров	- вилоят давлат молиявий назорат бошқармаси бошлиғи (<i>келишув асосида</i>)
Ж.Джумаев	- вилоят ғазначилик бошқармаси бошлиғи
А.Бердиев	- вилоят транспорт бошқармаси бошлиғи
Ш.Тешаев	- Бухоро давлат тиббиёт институти ректори в.б
Н.Баракаев	- Бухоро муҳандислик технология институти ректори
О.Ҳамидов	- Бухоро давлат университети ректори
Ш.Имомов	- Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалиғини механизациялаш муҳандислари институти Бухоро филиали директори
Ж.Ахмедов	- Ташқи ишлар вазирлигининг Бухоро вилоятидаги ҳудудий бўлинмаси масъул ходими
Ш.Тилавов	- Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Бухоро вилояти Кенгаши раиси (<i>келишув асосида</i>)
И.Зиёдуллаев	- Ёшлар агентлиги вилоят бошқармаси бошлиғи
Ж.Рахимов	- “Бухоро халқаро аэропорти” МЧЖ директори
Ф.Бозоров	- Бухоро темир йўл вокзали бошлиғи
Г.Самиева	- Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси раҳбари
Ф.Аминов	- вилоят телерадиокомпанияси раиси (<i>келишув асосида</i>)
Ш.Сулаймонов	- “Бухоронома” ва “Бухарский вестник” газеталари бош муҳаррири (<i>келишув асосида</i>)
М.Мавлонова	- Бадий академия вилоят бўлими раҳбари
Лавозимга кўра	- Шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг иқтисодиёт, инвестиция ҳамда ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари

Изоҳ: Ишчи гуруҳи аъзолари бошқа лавозимга ўтган тақдирда, унинг таркибига янги тайинланган ёки тегишли вазифаларни бажариши вазифаси юклатилган шахслар киритилади. Ишчи гуруҳи фаолиятига қўшимча равишда тегишли корхона ва ташкилотлар вакиллари ҳамда соҳа мутахассислари жалб этилиши мумкин.